

Бақара, 214

05:00 / 19.01.2017 4470

214. Сиздан аввал ўтганларга келганга ўхшаш нарса сизларга келмасдан туриб, жаннатга киремиз, деб ўйладингизми? Уларни бало ва мусибатлар тутган ва ларзага туширилганлар. Ҳаттоки, Пайғамбар ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўлади?» деганлар. Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир.

Ушбу ояти каримадаги савол Пайғамбар алайҳиссалом ва мусулмон кишиларга қаратилган. Улар Исломга тўлиғича киришга, Аллоҳ туширган ҳақ китобга амал қилиб тўғри йўл-сироти мустақийимда собит қадам бўлишга ҳаракат қилиб туришганда, аввал ўтган мўминларнинг тажрибасига ишора қилиб, улар тортган қийинчиликларни булар ҳам тортиши шартлиги ва усиз жаннатга кириб бўлмаслиги ишора қилинмоқда. **«Сиздан аввал ўтганларга келганга ўхшаш нарса сизларга келмасдан туриб, жаннатга киремиз, деб ўйладингизми?»**

Демак, жаннатга кириш осон эмас, иймон, Исломни оғизда эълон қилиб қўйиш билангина бўлавермайди. Жаннатга киришнинг бир шарти-аввалги умматлардан унга киришга ҳақдор бўлганларга юборилган оғир синовларни бошдан ўтказиш зарур.

Хўш, аввал ўтган умматлар нималарга дучор бўлибдилар?

«Уларни бало ва мусибатлар тутган».

Ҳақни юзага чиқариш йўлида улар турли синовлардан, имтиҳонлардан ўтганлар, душманларнинг тажовузига, уруш-сўқишига, озорларига чидаганлар, очлик, қийноқ ва муҳтожликларга учраганлар. Улар тортган қийинчиликлар шу даражага етганки, иймонли бўлишларига, бу синовлар уларга обрў келтиришини аввалдан билишларига қарамасдан, ҳаттоки Ҳаттоки, Пайғамбар ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўлади?» деганлар.

Азоб-уқубатнинг ҳаддан ошиб кетганидан, улар шундай дейишга мажбур бўлганлар. Қалбларни ларзага солувчи синовлар пайтида ҳам иймонида собит қолувчилар,

«Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир».

Демак, банда ўз амали, сабри, матонати билан ҳақдор даражасига етганда, Аллоҳ унга Ўз нусратини беради.

Хаббоб ибн ал-Арт розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда у

киши дейдилар» «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга нусрат сўрасангиз-чи, Аллоҳга дуо қилсангиз-чи», дедик. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Сизлардан олдин ўтганларнинг баъзиларини бошининг қоқ ўртасидан арра солиб, оёғидан арралаб чиқиб кетсалар ҳам, динларидан қайтмаган эди. Гўштарини темир тароқ билан тараб, суякларидан ажратиб олсалар ҳам, динларидан қайтмаган эди. Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг Ўзи бу ишни батамом қилади. Ҳали улов минган одам Санъодан Ҳазирмавтгача ҳеч нарсадан қўрқмай, Аллоҳдан ва қўйини бўри еб қўйишидангина қўрқиб борадиган ҳам бўлади. Лекин сизлар шошқалоқлик қиляпсизлар», дедилар».

Рум подшоси Ҳерақл Абу Суфёндан Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида сўраган саволлари ичида: «У билан уруш қилдиларингизми?» деган савол ҳам бор эди. Абу Суфён, ҳа, деди. Ҳерақил: «Ораларингиздаги уруш қандай кечди?» деди. Абу Суфён: «Гоҳ ундай-гоҳ бундай, баъзида у енгди, баъзида биз енгдик», деди. Ҳерақил: «Ўзи ҳақиқий Пайғамбарларнинг иши шунақа бўлади: синалиб-синалиб оқибатда ғолиб келадилар», деди. Демак, сабр қилиш, ҳаракат қилиш керак экан.